

Қадимги юонон мифологияси (1-Қисм)

Қадимги юонон мифологияси (1-Қисм)

https://t.me/wikipediya_1

Хаос (юн. чаос — тартибсизлик) — юонон мифологиясида азалий чексиз фазо. Оламнинг яратилишигача мавжуд бўлган. Кўплаб халқлари мифологиясида дунёнинг дастлабки ҳолати. Юонон шоири Гесиоднинг «Теогония» (худоларнинг келиб чиқиши) асарида илк марта Хаос ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Юонон ёзувчиси Гай Юлий Гигин фикрига кўра Хаосдан тун, кун, Эреб ва Эфир яралган.



Хаос билан бирга пайдо бўлганлар:

Гея (*Ер худоси*)

Тартар (*Тубсизлик*)

Эрос (*Севги худоси*)

Хаосдан пайдо бўлган худолар:

Нюкта (*Тун худоси*)

Эреб (*Абадий зулмат тимсоли*)

Қадимги юнонларнинг ер мабудаси. Эри Уран. Афсоналарга кўра Гея ёрдамида унинг ўғли Кронос отаси Уранни тахтдан ағдариб, олий

худога айланади. Кейинчалик эса набираси Зевсга Кроносни мағлуб этишга ёрдамлашади. Гея Олимп худолари ҳаётида фаол иштирок этмаган, лекин уларга маслаҳатлар бериб турган.



Гея ва Ураннинг болалари:

Ака-укалар:

Океан

Кой

Крий

Гиперион

Иапет

Кронос

Опа-сингиллар:

Тейя

Рея

Фемида

Мнемосина

Феба

Тефида

Диона

Қадимги юонон мифологиясидаги Аид салтанати остидаги тубсизлик, жаҳаннам. Тартар титанлар учун Қамоқхона ҳисобланган. У ерда Кронос Қамалган. Тартар тубсизлиги ер ва осмон ораси Қанча масофада бўлса, унинг ҳам ер юзи билан ораси шунча масофада бўлган. Тартар зулмат худоси Эребнинг уч Қават зулмати ва Посейдоннинг, мис эшиклари бўлган мис деворлари билан ўралган.



*Қадимги юнон мифологиясидаги севги худоси,
Афродитанинг ажралмас ҳамроҳи ва ёрдамчиси, ер
юзида ҳаётнинг давом этишини таъминлайдиган
севги жозибасининг тимсолидир.*

*Отаси (турли таҳминларга кўра) - Арес, Гермес,
Гефест, Зевс, Зефир, Кронос, Порос, Уран, Хаос,
Эреб*

*Онаси (турли таҳминларга кўра) - Артемида,
Афродита, Гея, Ирида, Илифия, Нюкта, Пения
Ака-ука, опа-сингиллари - Антерос, Гимерот, Потос,
Нюкта, Гея ва Эреб*

Хотини - Психея (Психе)

Боласи - Волуптия (Волуптас)



Хаосдан пайдо бўлган худолар:

Грек мифологиясидаги тун зулматининг худоси.

Гесиод фикрига кўра Нюктанинг отаси Хаос. Нюкта Тартар тубида яшайди.

Ака-ука, опа-сингилари - Эреб, Гея, Тартар ва Эром

Эри - Эреб

Болалари - Немесида, Харон, Гемера, Эрида, Гипнос, Морфей, Танатос, Мом, Апата, Герас, Лисса, Онир, мойралар, Эфир, Морос, Ойзис, Фантас, Атропа, Клото, Лахесис, Eleos, Долос, Гибрис, Amicitia, Contentio, Dumiles, Eraphus, Euphrosyne, Эром ва Гесперида.



Қадимги грек мифологиясидағи абадий зулмат тимсоли. Платоннинг фикрига кўра Эреб - бу зулматнинг ер ости шоҳи, у орқали ўликларнинг руҳи Аид шоҳлигига тушади. Гесиод фикрига кўра Эреб ҳам, Нюкта каби Хаосдан яралган.

Хотини - Нюкта ва Нокс.



Қадимги юнон мифологиясида осмоннинг тимсоли, Геяning эри худоларнинг энг Қадимги авлодига мансуб. Гесиод фикрига кўра Гея ва Уран турмуш Куриб, улардан нимфалар, циклоплар, титанлар, гекатонхейрлар яралган.

Отаси - Эфир, Хаос ёки Офион

Онаси - Гемера ёки Гея

Ака-укалари - Уреа ва Понт.



PDF's generated at: Tue Apr 11 2023 10:04:30
GMT+0000 (Coordinated Universal Time)

Source: <https://telegra.ph/%D2%9Aadimgi-yunon-mifologiyasi-1-%D2%9Bism-03-22>